

39

О'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Kattaqo'rg'on shahar
HOKIMI
QARORI



РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
города Каттакурган
Самаркандской области
Республики Узбекистан

О'zbekiston Respublikasi, Samarqand viloyati, Kattaqo'rg'on shahri, Amir Temur ko'chasi, 4 uy. tel.: (836645) 6-25-13 faks.: (836645) 6-10-01

2015 y.r. «4» avgust

№608-К

Kattaqo'rg'on sh. – г. Каттакурган

*Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва
устахона қуришга рухсат бериш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25-февралдаги № 54- сон “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хужалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда Самарқанд вилоят ҳокимининг 2013 йил 6 мартдаги № 62-Қ сонли қарорлари ижросини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Ер ва Шаҳарсозлик кодексларига мувофиқ уларнинг ерлардан қурилиш учун оқилона фойдаланиш мақсадида, шаҳар ҳокимлиги қошида тузилган комиссия аъзоларининг далолатномасини, Каттакўрғон шаҳар Чуқурсой (Р.Болтаев) кўчаси 41 уйда яшовчи фуқаро Нурмурадов Файзуллани шаҳар ҳокими номига ёзган аризасини инобатга олиб

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Каттакўрғон шаҳар ҳокимлиги қошида тузилган комиссия аъзоларининг далолатномаси тасдиқлансин.
2. Каттакўрғон шаҳар Чуқурсой (Р.Болтаев) кўчаси 41 уйда яшовчи фуқаро Нурмурадов Файзуллага У.Барноев кўчаси атрофида буш турган 400,0 кв.метр ер майдонида Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва устахона қуришга ва атрофини ободонлаштиришга рухсат берилсин.
3. Каттакўрғон шаҳар Чуқурсой (Р.Болтаев) кўчаси 41 уйда яшовчи фуқаро Нурмурадов Файзуллага белгиланган тартибда келишилган лойиҳа-смета хужжатлари (кейинги ўринларда қурилиш лойиҳаси деб аталади) асосида қуриш учун хужжатларини расмийлаштириш юкланади. Ушбу қарор объектни қуришга муҳандислик корхоналардан техник шартлар ва тегишли бўлимлардан рухсатномалар олиш учун асос ҳисобланади.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25-февралдаги № 54-сон “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хужалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда Самарқанд вилоят ҳокимининг 2013 йил 6 мартдаги № 62-Қ сонли қарорларида кўрсатилган 1 йил муддат ичида фуқаро Нурмурадов Файзулла томонидан ишлар амалга оширилмаса ушбу қарор бекор қилинсин.
5. Ерни натура тарзида жойида ўлчаб бериш, бугунги кун архитектура ва қурилиш талабларига жавоб берадиган ҳолда қурилишини назорат қилиш, шаҳар Архитектура ва қурилиш бўлими ҳамда Каттакўрғон шаҳар «Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр» корхонаси зиммасига юклатилсин.
6. Ушбу қарор ижросини назорат қилишни шаҳар ҳокимининг ўринбосари И.Маматов зиммасига юклатилсин.

Шаҳар ҳокими

Ш.Ж.Рахмонов